NAVOIY VILOYATI KONIMEX TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 30 - sentabr 172-5-70-Q/22 Konimex tuman hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2023 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001 сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-Қ сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Низомига асосан 2023 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6,25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, ташкилот ва муассасаларда 2023 йил учун 10 фоизгача миқдорида жами 344 та (10 %) квота иш ўринлари, жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз оналар ва кўп болали оилалар учун 11,6 фоиз (40 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 48,8 фоиз
(165 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 11,6

фоиз (40 киши);

ногиронлар учун 3,7 фоиз (13 киши);

пенсия олди ёшдаги шахслар учун 4,3 фоиз (16 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 7,2 фоиз (25 киши);

одам савдосидан жабрланган шахслар учун 0,87 фоиз (3 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган бошқа тоифалари оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар тоифаси 11,3 фоиз (39 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин ва тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кесимида иловадаги жадвал асосида тасдиқлансин.

2. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
5 декабрдаги 965-Қ сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) таъминлаш;

иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2022 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2023 йилнинг 20 апрелдан кечикмай иш жойларининг қолган қисми
75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйруқ нусхаларини Конимех туман Аҳоли Бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни 41-моддасига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга энг кам миқдордаги иш жойларини яратиш юзасидан қабул қилинган мазкур қарорни бажармаганлик учун иш берувчилар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-Қ сонли Қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун

иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-банди, 2-қисмига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-Қ сонли Қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ушбу иш ўринларидан ортиқ ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Конимех туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Ташкилотлар ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг
5 кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига Низомнинг
5-иловага мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этади.

7. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази беш кун муддатда ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш таъминлансин.

9. Конимех туман Аҳоли Бандлигига кўмаклашиш маркази ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонидан ортиқ ишга қабул қилган ташкилотларга субсидиялар ажратилиши таъминлансин.

10. Ушбу қарорнинг расмий нашрда эълон қилиниши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаш туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари О.Жангиров зиммасига юклатилсин.

11. Мазкур қарор кучга кирган кундан этиборан, туман ҳокимининг 2021 йилдаги 27 октябрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2022 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 74-5-70-Қ-21 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Саидов зиммасига юклатилсин.

Konimex tumani hokimi **Ro`ziyev R.N.**

Konimex tuman hokimining
2022 yil 30 sentabrdagi
172-5-70-Q/22-son qaroriga
1-ilova

“Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2023 йилда иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида”

т\р	ИНН	Корхона ташкилотлар номи	Ишловчилар сони	Банд килинадиган иш ўринлари жами:	шу жумладан:							ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган бошқа тоифалари
					ногиронлар учун	ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар	умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки судининг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	одам савдоси қурбонлари учун	оғир турмушдаги хотин-қизлар учун
Ишловчилар сони 100 ва ундан ортиқ кишини ташкил қиладиган корхона ташкилотлар:												
1	**201172216. 201204514**	Навоийуран ДК Зафаробод кон бошқармаси	**3661**	**150**	**4**	**15**	**55**	**24**	**10**	**10**	**2**	**30**
2	**308450922**	НКМК жамғармаси "Зафаробод" худудий бошқармаси	**514**	**8**		**1**	**2**	**2**		**1**		**2**
3	**202328794**	"QIZILQUM FOSFORIT KOMPLEKSI" MChJ	**1308**	**65**	**3**	**6**	**34**	**8**	**4**	**4**	**1**	**5**
4	**200012834**	Конимех тумани Тиббиёт бирлашмаси	**609**	**30**	**2**	**5**	**14**	**2**	**1**	**2**		**4**
5	**307122468**	Иссиклик Манбай ДУК Конимех тумани филиали	**136**	**6**		**1**	**3**	**1**		**1**		
6	**200013904**	Конимех тумани Йўллардан фойдаланиш Давлат унитар корхонаси	**156**	**7**		**2**	**2**	**1**		**2**		
7	**204563565**	Ободонлаштириш бошқармаси	**114**	**2**			**1**		**1**			
		Жами:	**6342**	**268**	**9**	**30**	**111**	**38**	**16**	**20**	**3**	**41**
Ишловчилар сони 20 кишигача ва 100 та кишигача бўлган корхона ташкилотлар:												
8	**200014087**	Конимех тумани Давлат Ўрмон хўжалиги	**74**	**3**		1		1		1		
9	**200012841**	KASB-HUNAR MAKTABI	**65**	**3**	**1**		**2**					
10	**203235546**	4-сон Болалар ва мусиқа саънат мактаби	**58**	**2**		1	1					
11	**200012913**	Маданият бўлими	**44**	**2**			1			1		
12	**200012873**	Конимех тумани ДСЭНМ	**38**	**1**		1						
13	**200012880**	Ветеринария булими	**25**	**1**			1					
14	**305087949**	Ирригация бўлими	**24**	**1**			1					
15	**200012826**	Халқ таълим бўлими	**46**	**2**		1	1					
16	**207129849**	BARKAMOL AVLOD BOLALAR MAKTABI	**22**	**1**	1							
17	**203161093**	№1 мактаб ИДУМ	**58**	**2**			1			1		

18	**203161125**	№2 мактаб	**123**	**4**	1	1	1	1				
19	**206879960**	№3 мактаб	**35**	**1**			1					
20	**206879977**	№4 мактаб	**32**	**1**			1					
21	**206879984**	№5 мактаб	**40**	**2**			2					
22	**206879992**	№6 мактаб	**41**	**2**			2					
23	**203161133**	№7 мактаб	**57**	**1**		1						
24	**206880004**	№8 мактаб	**57**	**1**			1					
25	**203161140**	№9 мактаб	**56**	**1**			1					
26	**203161118**	№10 мактаб	**51**	**1**			1					
27	**206880012**	№11 мактаб	**50**	**1**			1					
28	**203161157**	№12 мактаб	**49**	**1**			1					
29	**206880036**	№14 мактаб	**45**	**1**			1					
30	**206880044**	№15 мактаб	**33**	**1**			1					
31	**206871711**	№16 мактаб	**115**	**3**			2			1		
32	**206880068**	№17 мактаб	**27**	**1**			1					
33	**206880075**	№18 мактаб	**30**	**1**			1					
34	**206880083**	№19 мактаб	**42**	**2**		1	1					
35	**206880090**	№20 мактаб	**47**	**2**			2					
36	**206880108**	№21 мактаб	**31**	**1**			1					
37	**200012858**	№22 мактаб	**44**	**2**		1	1					
38	**206880115**	№23 мактаб	**31**	**1**			1					
39	**21892379**	№24 мактаб	**39**	**1**			1					
40	**206880130**	№25 мактаб	**36**	**1**			1					
41	**206880147**	№26 мактаб	**49**	**2**			2					
42	**21892468**	№27 мактаб	**36**	**1**			1					
43	**206871901**	№28 мактаб	**78**	**2**			1			1		
44	**206880241**	№30 мактаб	**40**	**2**			2					
45	**206880258**	№31 мактаб	**38**	**1**			1					
46	**206880179**	№32 мактаб	**33**	**1**			1					
47	**206880186**	№33 мактаб	**33**	**1**			1					
48	**206880194**	№34 мактаб	**35**	**1**			1					
49	**206880202**	№35 мактаб	**24**	**1**			1					
50	**206880258**	№36 мактаб	**38**	**1**			1					
51	**206880226**	№37 мактаб	**49**	**2**		1	1					
52	**305149893**	MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI	**22**	**1**			1					
53	**206939079**	3-сонли "Салтанат" МТТ	**36**	**1**			1					
54	**305969783**	4-сонли "Гулсезим" МТТ	**21**	**1**			1					
55	**207026834**	8-сонли "Парвоз" ДМТТ	**37**	**1**			1					
56	**207062862**	9-сонли "Булдиршин" ДМТТ	**35**	**1**		1						
57	**207062847**	11-сонли "Ғунча" ДМТТ	**45**	**2**			1					

58	**207315134**	12-сонли "Олтиной" ДМТТ	**70**	**2**	1		1					
59	**308012944**	13-сонли "Қувонч" ДМТТ	**31**	**1**			1					
		Жами:	**2315**	**76**	**4**	**10**	**54**	**2**	**0**	**5**	**0**	**0**
		Ҳаммаси:	**8657**	**344**	**13**	**40**	**165**	**40**	**16**	**25**	**3**	**41**